



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ТАВБА – ИБОДАТ

Ҳурматли жамоат! Динимиз ҳақиқий маънода инсонпарвар ва раҳм-шафқат динидир. Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон, улардан содир бўлган хато ва камчиликларни кечиришга доим тайёр. Шунинг учун Аллоҳ таоло бандалари билиб-билмай хатога йўл қўйганларида уларни тавба қилишга чақирди:

وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَا الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ (سورة النور الآية-31).

яъни: **“Барчангиз Аллоҳга тавба қилингиз, эй, мўминлар! Шояд, (шунда) нажот топсангиз”** (Нур сураси, 31-оят).

Мўмин-мусулмон киши барча гуноҳлардан тавба қилиши вожиб бўлади. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни чин тавба қилишга тарғиб қилди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا تَوْبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوحًا عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يُكَفِّرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَكُمُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ (سورة التحريم الآية-8).

яъни: **“Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга чин тавба қилингиз, шоядки, Раббингиз сизларнинг гуноҳларингизни ўчириб, остидан анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) боғларга киритса!”** (Таҳрим сураси, 8-оят).

Чин тавба – дарҳол гуноҳдан тўхташ, ўтган гуноҳларга пушаймон бўлиш, келажакда ўша гуноҳни қилмасликка азму-қарор қилиш, агар гуноҳ банданинг ҳаққига боғлиқ бўлса, ҳақ эгасини рози қилишдир.

Қуръони карим оятларининг 87 та ўрнида тавбага тарғиб этилган. Агар астойдил тавба қилинса, ҳар қандай гуноҳнинг кечирилишига умид бор.

Қуръони каримда гуноҳлардан тавба қилмаган кишиларни “золимлар” деб аталган:

وَمَنْ لَّمْ يَتُبْ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ (سورة الحجرات الآية-11).

яъни: **“Кимки тавба қилмаса, бас, айнан ўшалар (гуноҳ ишлар билан ўзларига нисбатан) зулм қилувчилардир”** (Ҳужурот сураси, 11-оят).

Аллоҳ таоло ўзининг фазлу карами билан жаҳолат туфайли гуноҳ қилиб, кейин унга афсус-надомат чеккан кишиларнинг гуноҳларини кечиришини ваъда қилган:

إِنَّمَا التَّوْبَةُ عَلَى اللَّهِ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السُّوءَ بِجَهَالَةٍ ثُمَّ يَتُوبُونَ مِنْ قَرِيبٍ فَأُولَئِكَ يَتُوبُ اللَّهُ عَلَيْهِمْ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا (سورة النساء الاية-17).

яъни: “Албатта, Аллоҳнинг тавба қабул қилиши фақат ёмонлик (гуноҳ)ни билмасдан қилиб қўйиб, сўнгра тезлик билан тавба қилганлар учун (муқаррар)дир. Аллоҳ айнан ўшаларнинг тавбасини қабул қилур. Аллоҳ илм ва ҳикмат эгасидир” (Нисо сураси, 17-оят).

Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ تَوُوبُوا إِلَى اللَّهِ فَإِنِّي أَتُوبُ فِي الْيَوْمِ مِائَةَ مَرَّةٍ (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ).

яъни: “Эй, инсонлар! Аллоҳга тавба қилинглр. Зеро мен бир кунда юз марта тавба қиламан” (Имом Бухорий ривояти).

Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васалламнинг тавба қилиши ва истиғфор айтиши гуноҳ сабабидан эмас. Чунки у зот саллалоҳу алайҳи васаллам каттаю кичик гуноҳлардан покдир. Лекин Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васаллам камтарлик қилиб, Аллоҳ таолонинг азаматига лойиқ бандачилик қилолмадим деб ҳисоблаганлари учун тавба қилганлар. Яна бу ҳадисда умматларини тавба ва истиғфорга қизиқтириш ҳам бор. Зеро гуноҳлардан пок зот бир кунда юз марта тавба қилган бўлсалар, гуноҳкорларнинг ҳоли қандай бўлиши керак?

Бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васаллам:

لَوْ أَنَّ لِبْنِ آدَمَ وَادِيًا مِنْ ذَهَبٍ أَحَبَّ أَنْ يَكُونَ لَهُ وَادِيَانِ وَلَنْ يَمْلَأَ فَاهُ إِلَّا التُّرَابُ وَيَتُوبُ اللَّهُ عَلَى مَنْ تَابَ (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ).

яъни: “Одам боласининг бир водий тўла олтини бўлса, иккита (олтин тўла) водий бўлишини хоҳлайди. Одамнинг оғзини фақат тупроқ тўлдиради. Аллоҳ таоло тавба қилганнинг тавбасини қабул қилади”, – дейдилар (Имом Бухорий ривояти).

Муҳтарам жамоат! Юқорида келтирилган ояту ҳадислардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Аллоҳ таолонинг марҳамати, кечиримли эканлиги бандаларга катта бир ибратдир. Бундай бағрикенгликни Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари давомида ҳам кўрсатиб бердилар, ҳеч қачон ўзлари учун ғазаб қилмадилар, бировдан ўч олмадилар, балки кечирдилар, кечирिशга буюрдилар.

Ҳозирги кунда Президентимиз раҳбарлигида давлатимиз ҳукумати юқорида зикр қилинганидек авф этиш ва кечиримли бўлиш йўлидан бормоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз тарихида илк мартаба 2 минг 700 нафар маҳкумни, шу жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахсларни авф этиш тўғрисида Фармон қабул қилинди.

2018 йил 19 сентябрь куни Президентимиз “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонга имзо чекдилар ва халқимизда минг йиллардан бери давом этиб келаётган бағрикенглик ва кечиримлилик хислатини намоён қилдилар.

Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳу: *“Кўп тавба қилувчилар билан ҳамсуҳбат бўлинглар. Чунки улар қалби пок, ҳалим кишилар бўлади”*, – деганлар. Али ибн Толиб разияллоҳу анҳу тавба қилувчиларни мақтаб: *“Нажот топиб кетган кишининг аҳволини қаранг!”*, – дегандилар. “Нажот нима”, – деб сўрашди. У зот: *“Тавба ва истиғфор”*, – дедилар.

Абу Бакр Воситий раҳматуллоҳи алайҳи: *“Ҳамма нарсада хотиржамлик яхши, лекин уч нарсада яхши эмас: намоз вақти келганда, маййитни дафн қилишда ва гуноҳдан тавба қилишда”*, – дедилар.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бизга тавбанинг биринчи қадами бўлган истиғфорнинг турли кўринишларини ўргатганлар ва уларнинг орасида биттасини “истиғфорнинг улуғи” деб атаганлар:

سَيِّدُ الْاِسْتِغْفَارِ اَنْ يَقُولَ الْعَبْدُ: اَللّٰهُمَّ اَنْتَ رَبِّيْ، لَا اِلٰهَ اِلَّا اَنْتَ خَلَقْتَنِيْ وَاَنَا عَبْدُكَ، وَاَنَا عَلٰى عَهْدِكَ وَاَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ، اَبُوْءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ، وَاَبُوْءُ بِذَنْبِيْ فَاغْفِرْ لِيْ، فَاِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوْبَ اِلَّا اَنْتَ. مَنْ قَالَهَا مِنَ النَّهَارِ مُوقِنًا بِهَا، فَمَاتَ مِنْ يَوْمِهِ قَبْلَ اَنْ يُمْسِيَ، فَهُوَ مِنْ اَهْلِ الْجَنَّةِ، وَمَنْ قَالَهَا مِنْ اللَّيْلِ وَهُوَ مُوقِنٌ بِهَا فَمَاتَ قَبْلَ اَنْ يُصْبِحَ، فَهُوَ مِنْ اَهْلِ الْجَنَّةِ (رواه الامام البخاري).

яъни: *“Истиғфорнинг улуғи банда: “Эй, Аллоҳ! Сен Раббимсан, сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен мени яратгансан, мен сенинг банданман. Тоқатим етганича сенга берган аҳдим ва ваъдамда турибман. Қилган амалларимнинг ёмонлигидан сендан паноҳ сўрайман. Менга берган неъматларинг ва гуноҳларимни эътироф этаман. Мени кечиргин, чунки сендан бошқа кечирувчи йўқ”*, – дейишидир. *Ким шу гапни кундуз кун ишонч билан айтса ва кечгача вафот этса, жаннат аҳлидан бўлади. Ким шу гапни кечаси ишонч билан айтса ва тонг отгунча вафот этса, жаннат аҳлидан бўлади”* (Имом Бухорий ривояти).

Тавба тўғрисида Сўфий Оллоҳёр бобомиз шундай дейдилар:

Сани халқ айлаган Султони ғолиб,
Ҳамиша бандасидин тавба толиб.
Эгамнинг мағфират дарёсидур жўш,
Ажабдур бандасидин ғафлат оғуш.
Эгамдин лутфу раҳмат бобин очмоқ,
Ажабдур бандасидин мунча қочмоқ?!
Ётурсан тобакай эмди уйанғил,
Дилу жонинг била Ҳазратға ёнғил.
На ким қилмишларингдин тавба қилғил,
Бошинг кўб юқори қилма, эгилғил.

Ҳурматли жамоат! Мавъизамиз давомида мўмин-мусулмонлар **имон келтириш лозим бўлган нарсалар** ҳақидаги суҳбатни давом эттираемиз.

Ватандошимиз Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий “Ақидатун Насафия” китобида шундай дейдилар: *“Аллоҳ таолонинг илми ва иродаси билан кофирлар ва баъзи гуноҳкор мўминлар учун қабр азоби, қабрда тоат аҳлининг неъматланиши ҳамда Мункар ва Накирнинг савол-жавоби самъий далиллар билан собитдир. Қайта тирилиш, (амаллар) тарозуси, (номаи аъмол) китоби, (дунёда қилинган ишларидан) савол сўралиши ҳақдир”*.

➤ Қабрда бандаларга азоб ёки неъмат бўлишига имон келтираемиз. Қабрда икки фаришда Мункар ва Накир (бундай номланишига сабаб улар бандаларга нотаниш ва кўрқинчли кўринишда бўлгани учундир) саволига имон келтираемиз. Маййитни дафн қилувчилар қабрдан узоқлашиши билан Мункар ва Накир ундан Раббиси, дини ва пайғамбари ҳақида сўрайдилар. Мўмин киши жавоб беради, кофир киши эса ҳайратда қолиб жавоб бера олмайди. Жавобларга қараб фаришталарнинг азоблаши ва қабр қисиши рўй беради. Қабр куфр аҳли учун дўзах чоҳларидан бир чоҳ, тоат аҳли учун жаннат боғларидан бир боғ бўлади. Қабрдан дўзахга ёки жаннатга дарча очиб қўйилади. У дарчалардан дўзахнинг олови ва нафаси ёки жаннатнинг хушбўйлари ва неъматлари кириб туради. Қабр ҳаёти “Барзах” деб аталади ва у қиёматгача давом этади. Бу маълумотлар бир қанча ҳадисларда зикр қилинган. Қуръони каримнинг Иброҳим сурасида шундай марҳамат қилинади:

يُثَبِّتُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا بِالْقَوْلِ الثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الآخِرَةِ (سورة ابراهيم الاية-27).

яъни: **“Аллоҳ имон келтирганларни дунё ҳаётида ҳам, охирада ҳам устувор Сўз (имон калимаси) билан собитқадам қилур...”** (Иброҳим сураси, 27-оят). **“Мўминларни имон калимаси билан собитқадам қилиши”** ҳадиси шарифларда таъкидланишича, қабрда фаришталарнинг Пайғамбаримиз алайҳис-салом ҳақидаги саволларига: **“У Аллоҳнинг бандаси ва расули”**, – деб гувоҳлик беришидир.

Уламолар қабр азобига қуйидаги ояти карималар далолат қилади дейдилар:

النَّارُ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ أَدْخِلُوا آلَ فِرْعَوْنَ أَشَدَّ الْعَذَابِ (سورة العاقر الاية-46).

яъни: **“(У азоб қабрдаги бир) оловдирки, улар эртаю кеч унга тутиб турилурлар. Қиёмат қойим бўладиган кунда эса, (дўзах фаришталарига): “Фиръавн зодагонларини энг қаттиқ азобга киритингиз!”** (дейилур)” (Ғофир сураси, 46-оят).

مِمَّا خَطِيئَاتِهِمْ أُغْرِقُوا فَأَدْخِلُوا نَارًا (سورة النوح الاية-25).

яъни: **“Улар ўз хато (гуноҳ)лари сабабли ғарқ қилиниб, (сув балосидан сўнг) оловга киритилдилар”** (Нух сураси, 25-оят).

➤ Инсоният қайта тирилгандан кейин Аллоҳ таоло томонидан, илми ва амали (буйруқ ва қайтариқларига қандай амал қилгани), молни қаердан топгани ва қаерга сарфлагани, умрини қандай ўтказгани ва неъматларга шукронаси ҳақида савол жавоб қилинишига имон келтираемиз. Баъзи ривоятларда бандадан

сўраладиган энг аввалги сўроқ намоздан бўлиши, шундан яхши ўтса, қолгани осон бўлиши зикр қилинган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди:

فَوَرَّبُّكَ لَنَسَأَلَنَّهُمْ أَجْمَعِينَ (سورة الحجر الاية- 92).

яъни: **“Раббингизга қасамки, албатта, уларнинг барчасини сўроқ қилгайман”** (Хижр сураси, 92-оят).

➤ Қиёмат кунида амаллар: савоблар ва гуноҳлар тарозуда тортилади. Одамларга дунёда қилган ишлари фаришталар томонидан битиб қўйилган номаи аъмоллари берилади. Мўмин-мусулмонларга ўнг ва олд томондан, аҳли куфрга чап ва орқа томондан берилади. Қуйидаги оятларда юқоридаги маънолар зикр қилинган:

فَأَمَّا مَنْ ثَقُلَتْ مَوَازِينُهُ هُوَ فِي عَيْشَةٍ رَاضِيَةٍ وَأَمَّا مَنْ خَفَّتْ مَوَازِينُهُ فَأُمُّهُ هَاوِيَةٌ (سورة القارعة الايات-6-9).

яъни: **“Бас, энди (ўша куни) кимнинг тарозида тортилган нарсалари (савобли амаллари) оғир келса, ана ўша қониқарли маишатда (жаннатда) бўлур. Аммо, кимнинг тарозида тортилган нарсалари (савобли амаллари) енгил келса, унинг жойи (дўзахдаги) “жарлик”дир”** (Қориа сураси, 6-9-оятлар).

فَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ فَيَقُولُ هَاؤُمُ اقْرَءُوا كِتَابِيَهٗ (سورة الحاقة الاية-19).

яъни: **“Бас, ўз китоби (номаи аъмоли) ўнг томонидан берилган киши айтур: “Мана, менинг китобимни ўқингиз!”** (Ал-Ҳоққа сураси, 19-оят).

وَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِشِمَالِهِ فَيَقُولُ يَا لَيْتَنِي لَمْ أُوتَ كِتَابِيَهٗ وَلَمْ أَدْرِ مَا حِسَابِيَهٗ (سورة الحاقة الاية-25-26).

яъни: **“Энди, китоби чап томонидан берилган кимса эса дер: “Эҳ, қанийди, менга китобим берилмаса ва ҳисоб-китобим қандай бўлишини билмасам!”** (Ал-Ҳоққа сураси, 25-26-оятлар).

Аллоҳ таоло барчамизга ҳақиқий тавба қилишни насиб айлаб, бизга Ўз раҳмати билан муомала қилсин! Номаи аъмолларимизни ўнг томонимиздан бериб, икки дунёда юзимизни ёруғ қилсин. ! Омин!